



MILLIY TIKLANISH

24 (293) 2014 йил 18 июнь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Давлат бюджети маблағларини тўғри ва самарали сарфлаш, ундан оқилона фойдаланиш мамлакатимиз ривожда, соҳалар тараққиётида муҳим аҳамият касб этади

4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ



Келажагимиз эгаларини адабиёт ва санъатга ошно этиб, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва вояга етказишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг чин инсонийлик бурчимиз ҳисобланади

5 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, аجدодларимизнинг бой тарихий, илмий ҳамда қадимий қадамжоларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

5 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 16 июнь куни илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Тонг бокиралиги ўлкаси ўртасида катта масофа бўлса-да, халқларимизни яқин қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Эл-юртга садоқат, аждодлар мероси ва қадриятларини эъзозлаш, меҳр-оқибат, бағрикенглик, очикқўн-гиллик, саховат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ўзбек ва корея халқлари учун бирдек ҳосилдир. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб кореяларга ўзбек халқи меҳр-оқибат ва олийҳимматлик билан бошлана берганини корея халқи ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиклик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор топган ва бу алоқалар кундан-кунга янги-янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Узоқ муддатли ҳамкорлик мобайнида босиб ўтилган самарали йўлга ҳолисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Ташрифининг асосий воқеалари 17 июнь куни Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб Корея Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига факрий қоровул саф тортди. Президентлар Ислам Каримов ва Пак Кин Хэ шохсўпага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар факрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислам Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги учрашувида икки томонлама муносабатларга доир масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Биз Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга илк давлат ташрифини Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа, томонларнинг олий даражадаги аънавий мулоқотларни давом эттиришга, дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси, деб биламиз. Ўзбекистон Корея Республикасига юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида қарайди. Тараққиётнинг ҳар томонлама ўйланган, узоқ муддатли стратегияси туфайли Жанубий Корея ҳақли равишда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда, — деди Ислам Каримов.

Музокарада таъкидланганидек, бу учрашув кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнидаги муҳим босқич, ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш, истиқболдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш

ҳамда фаол ривожланиб бораётган стратегик шерикликни янги амалий мазмун билан бойитиш учун яхши имкониятдир.

— Буюк Ипак йўли маркази сифатида азалдан ривожланган Ўзбекистон бугунги кунда жадал иқтисодий тараққиёти, қулай сармоявий муҳити билан дунё мамлакатларини ўзига жалб этмоқда. Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкоридир. Бу ерда илк бор меҳмон бўлиб турган эсам-да, дўстона муносабат, очиклик ва самимийлик туфайли ўзимни узоқ йиллик дўстларим ҳузурига келгандек ҳис этмоқдаман. Бундай қулай муҳит ва яхши кайфият давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг белгиси ва унинг мунтазам ривожланиб боришининг далолатидир, — деди Пак Кин Хэ.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар стратегик шериклик аънаварига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуктаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани стратегик ҳамкорликни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойидаги Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг 60 сармоявий лойиҳа имзоланди.

2-бет

Ўқув-семинар



Пухта ҳозирлик ва изчил ҳаракат

сайловларда муваффақият қозонишнинг бош омилidir

Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш устувор мақсад сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли қадамлар ташланди. Хусусан, ўтган даврда сиёсий партияларнинг ўз олдларига қўйган мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун мустақам ҳуқуқий база яратилди. Асосий Қонунимиз - Конституцияга таянган ҳолда, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан кучайтирилди. Шунингдек, сиёсий тажриба орттириш, молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электротириш шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, жумладан, ЎзМТДП ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди.

2-бет

Фракция ҳаёти

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилги ҳамда 2014 йил биринчи чорагидаги ижроси муҳокама қилинди.

Давлат бюджети ижроси

ЎзМТДП фракцияси томонидан кўриб чиқилди

Тадбирда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улугбек Мухаммадиев барча соҳаларда тизимли равишда амалга оширилётган ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бераётганини, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари ҳаётга изчил татбиқ этиб борилаётганини эътироф этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини ўринбосари Мубин Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013-йилги ҳамда 2014-



йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ахборот берди.

4-бет

Ташаббус ва натижа

Аждодлар мероси — буюк тарих кўзгуси

ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш партия гуруҳи ташаббуси билан муҳокама қилинди

5-бет



«Milliy tiklanish» газетасини

www.milliytiklanish.uz

сайтида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП дастури — амалда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган «устоз-шогирд» аънавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада тараққий эттиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда партиянинг «Банк кредитлари — хунармандларга» лойиҳаси доирасидаги амалий семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Имтиёзли кредитлар

хунарманд, оилавий ҳамда ёш тадбиркорларга ана шундай кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди

3-бет



«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Ўзбекистон — Жанубий Корея:

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Парламентларо алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари мақомидаги таширлар изчил кенгаймоқда. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги сиёсий масалаларни муҳофизат қилиш бўлиб ўтди.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, эришилган қарорларни ҳаётга татбиқ этишни мониторинг қилиб бориш, ахборот технологиялари, қуёш энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган. Ҳамкорлик форуми доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, диний экстремизм, уюшган транснационал жиноятчилик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда изчил ҳамкорлик қилади.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан бунён энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,1 миллиард доллардан ошди. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида бу борадаги кўрсаткич 669,3 миллион долларга етди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо кўмита мунтазам мажлислар ўтказиб келмоқда. Ўтган ойда унинг навбатдаги мажлисида Тошкент мезбонлиги қилди. Шунингдек, молия вазирларининг, Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идораларо кўмитанинг йиғилишлари ўтказилмоқда. 2012 йилдан Аxbоротлаштириш бўйича кенгаши фаолият олиб бормоқда.

“Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмоқда.

Корея Республикасининг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 5 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона, ушбу мамлакатдаги 81 компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Сўрали кўни негизда барпо этилаётган Ўстюрт газ-кимё мажмуаси қўлама жиҳатидан гоёта йирик лойиҳа сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Корея газ корпорацияси, “Лотте групп” ва “Эс-Ти-Икс Энерджи” компаниялари консорциуми ишларида қўллаётган куб метр газ келгусида 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ва бунинг натижасида 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Жанубий Корея компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида истиқболли углеводород конларини аниқлаш, геология-разведка ишларини амалга ошириш, ўзлаштириш борасида фаолият кўрсатмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида “Шиндонг Ресорсес” компанияси билан вольфрам кони ўзлаштирилаётганини, “Неоплант” компанияси билан ҳамкорликда тегиш кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Автомобилсозлик — жанубий корейлик шериклар билан биргаликда

Ўзбекистонда ўзлаштирилган юқори технологияли энг машҳур ишлаб чиқариш соҳаси. Айни пайтда Андижон ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида автомобилсозлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда саноатнинг бу соҳасига Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 18 қўшма корхона тузилган.

Тўқимачилик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда Ўзбекистонда корейлик шериклар билан биргаликда умумий қиймати 212 миллион долларга тенг 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, “ДЭУ Интернэшнл” компанияси билан Фарғона ва Бухоро вилоятларида, “Шиндонг Энерком” ва “Текстайл Текноложиз” компаниялари билан Сурхондарё вилоятида тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти негизда Тўқимачилик технологияларининг инновацион марказини очиб лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Корея Республикаси билан ҳамкорликда юртимизда “Электрон ҳукумат” тизими жорий этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази ва Ахборот олиш маркази очилган. Жорий йил март ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан пойтахтимизда Жанубий Кореядаги етакчи олий ўқув юртиларидан бири — Инха университетининг филиали ташкил этилди.

“Кореан Эйр” компанияси билан ҳамкорликда “Навоий” интермодал логистика маркази фаол ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда марказ бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йиғирмат самолётга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Айни пайтда ушбу авиахабдан Сеул, Милан, Брюссель, Вена, Париж, Деҳли, Мумбаи, Истанбул, Ханой каби шаҳарларга ҳафтада 29 парвоз амалга оширилмоқда.

Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан биргаликда молиявий-техник ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Беғараз асосда асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, корейлик мутахассисларни Ўзбекистонга йўналиштириш КОИКА билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Бу борада солиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда умумий қиймати 54,5 миллион доллардан зиёд 21 лойиҳа амалга оширилди. Яна тўрт лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда қиймати 114,1 миллион долларга тенг тўрт сармоявий лойиҳа амалга оширилди.

Музокарада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатура-сини диверсификация қилиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокида мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказиш, шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш борасида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатларо ва ҳукуматларо даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуқли, ҳар томонлама пуқталик касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

1992 йилдан бунён Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Қатор олий ўқув юртиларида корейс тили ва маданияти марказлари очилган. 13 олий таълим ҳамда 28 мактаб ва лицейда корейс тили ўрганилади. Умуман, Ўзбекистон университетлари Жану-

бий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2012 йил март ойда Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда Ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. 2013 йилда юртимизда “KBS” миллий телерадиокомпанияси томонидан корейс қўшиқлари танлови ўтказилиб, унинг финалига чиққан “Алладин” гуруҳи кейинчалик 15 мамлакат вакиллари иштирокида Жанубий Кореяда ўтказилган “Korean POP World Festival — 2013” фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. 2014 йилнинг муҳим воқеалари — Ўзбекистон ёшлар театри Болалар ва ёшлар театрлари уюшмасининг “Осиё учрашувлари — 2014” халқаро фестивалида “Шум бола” спектакли билан қатнашди, Тошкентда Сеул боғи ташкил қилинди. Ўзбек ва корейс халқлари учун кадрли бўлган бу боғ Ўзбекистон пойтахтининг энг сўлим гўшаридан бирида қўша Корея маданияти ёғду таратадиган гўзал маскан вазифасини ўтамоқда.

Томонлар шуларни қайд этиб, маданият, мусиқа, санъат ва спорт соҳаларида алоқаларни янада фоллаштириш, қўшма маданий фестиваллар, кўргазмалар ташкил этиш, ўқув юртилари ўртасидаги бевосита алоқаларни кенгайтиришга қаратилган. Ўзбекистонда Корея маданияти ва санъати марказини очиб масаласи қўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Президент Ислам Каримов ва Президент Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, 2014-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари тўғрисидаги ҳукуматларо ҳадли келишув, Икки томонлама инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида ўзаро аниқлашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Корея Республикаси Экспорт-импорт банки ўртасида молиявий битим ва бошқа ҳужжатлар имзоладилар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Пак Кин Хэ музокаралар самарали, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини тубдан оширишга, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру гуруҳига хос замонавий қиёфа касб этди, айни пайтда унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳам юксалди.

Корея Республикаси Президенти халқимизга ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.


Пак Кин Хэ бу майдон муҳташам бинолари, кўркем боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Бундан яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Анвар САМАДОВ,
Ўза мухбирлари

Сиёсат

Ўқув-семинар



Пухта ҳозирлик ва изчил ҳаракат

сайловларда муваффақият қозонишнинг бош омилидир

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг эришган тажрибаларини мустаҳкамлаш, фаолиятини янги босқичга кўтариш мақсадида партия ҳудудий Кенгашларида “Сайлов: тарғибот-ташвиқот ва технологиялар” мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Марказий ҳамда Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси вакиллари, ҳудудий ташкилотлар ходимлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Тадбирда партия ҳудудий Кенгашлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, янги, замонавий сиёсий технологиялар асосида ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда сайлов кампанияси давридаги фаолиятини ташкил этиш, сайлов технологияларини қўллаш усуллари, шунингдек, партия мақсад-вазифаларини кенг тарғиб этиш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Семинар-тренингда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди:

— Бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида қатор сазй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бораётди. Ўтган йилгирма икки йиллик мустақил тараққиёт йўлимиизга назар соладиган бўлсак, сиёсий партияларнинг ўз олдидарига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда сиёсий партиялар ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада кучайтиришга эътибор қаратилмаётган бир пайтда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, фаол иштирок этишга интилмоқда. Жумладан, ўз атрофида 12 минг 467 нафар партия аъзосини бирлаштирган ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳам қўйи бўғинлар ҳамда партия гуруҳлари фаолияти билан партияимиз кўрсаткичларини юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Халқдепутатлари Қашқадарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган 59 нафар депутат жойларда электрат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қизиқтираётган масалаларни ўрганиб, сессиялар кун тартибига олиб чиқиш, депутатлик сўровлари орқали уларни ҳал этиш ҳамда қонун ва қарорларнинг ҳудуддаги ижросини ўрганиш борасида муайян натижаларга эришишмоқда. Шунингдек, партия вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари таркибидagi жами 381 та бошланғич ташкилот ЎзМТДП ғоя ва дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга интилаётгани партияимизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишда



муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш керакики, бу борадаги ютуқ ва самарали натижалар билан бирга камчилик ва нуқсонлар, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Фаолиятимиздаги камчиликларни бартараф этишга, электрат вакиллари билан яқин муносабатда бўлишга эътибор қаратган ҳолда ЎзМТДПнинг ўрнини янада мустаҳкамлашимиз лозим”, — деди партия етакчиси.

Шунингдек, партия раҳбари “Сайлов: тарғибот, ташвиқот ва технологиялар” мавзусида тўхталиб, жорий йилги сайловларга пухта тайёргарлик қўриш, сайлов кампанияси даврида партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ҳамда қўйи бўғинлар фаолиятини ташкил этиш, бу борада ҳудудий Кенгашлардаги кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш масалаларига эътибор қаратди.

Эътироф этилганидек, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловлар барча сиёсий партиялардан пухта ҳозирлик қўришни талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан сайловларга тайёргарлик қўриш, номзодлар заҳирасини шакллантириш, партиянинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўқув-семинар давомида фракция аъзоси Олим Ўсаров сўзга чиқиб, асосий Қонунимизга киритилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига тўхталди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Олий Мажлис ҳар икки палатасининг ваколатлари ва назорат функциялари, шунингдек, жамоатчилик ролини кенгайтириш ҳамда парламент ва жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантиради.

Шунингдек, семинар-тренинг мобайнида партия кадрларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган интерактив машғулотлар, тест ўтказилди ва савол-жавоблар қилинди.

Мазкур йўналишдаги ўқув-семинар ЎзМТДП Марказий ҳамда Хоразм вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ҳам ташкил этилди. Унда ЎзМТДП ғояси, дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усулларни қўллаш, партиявий тадбирларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда тарғибот ишларида илғор тажрибалар, умумэтироф этилган сиёсий технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда ЎзМТДП Марказий

Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: — Мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ислохотларни изчил амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун жадал суръатларда ривожланаётган давр, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ, устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш, ўз мафкураси ва ғоясини янгича қарашлар билан бойитиш, уни кенг

жамоатчилик орасида тарғиб қилишни талаб қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партия фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар потенциалини кучайтириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу билан бир қаторда электрат манфаатларини ҳимоя қилишда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш, партиянинг муҳим, таъна бўғини ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш олдимиизда турган муҳим масалалардан саналади. Мазкур ўқув-семинар бу жараёндаги ишларни янги босқичга кўтаришда партияимиз олдда турган вазифаларни муҳокама қилиб, самарадорликка эришиш чора-тадбирларини излаб топиш мақсадида ташкил қилингани билан аҳамиятлидир.

—“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Жамилла Нибёзова. — Чунончи, ушбу қонунга мувофиқ, вакиллик органларининг роли ва мавқеи оширилди, кўппартиявийлик тизими асосида кучли фуқаролик жамияти қуриш, партияларо рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирилди. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва партия электратоти ўртасида тарғиб этиш орқали уларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ўқув-семинар давомида “Партиянинг сиёсий имиджини шакллантириш”, “Партия ғоясини тарғиб қилишнинг самарали усуллари: ОАВлар билан ишлаш”, “ЎзМТДП ғояси, дастури, мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишнинг самарали усуллари” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Муҳтасар айтганда, партия ғояси ва мафкурасини кенг тарғиб қилиш, электратоти қизиқтираётган масалаларни ўрганиш, уларнинг манфаатларини таъминлашда ЎзМТДП вакилларида янада фаоллик талаб қилинади. Партия ташаббуси билан ўтказилаётган бундай ўқувлар ЎзМТДП тизимида фаолият кўрсатётган кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимлари, партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги зарур билим ва малакалари янада ошишида муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Алишер РАҲМОНОВ,
«Milliy tiklanish» мухбирлари

ЎЗМТДП дастури — амалда

Имтиёзли кредитлар

хунарманд, оилавий ҳамда ёш тадбиркорларга ана шундай кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай амалий семинар Марғилон шаҳрида ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши, Республика “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими, Республика Марказий банки ҳамкорлигида “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида ўтказилди.

— Миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш халқимиз қундалик турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида ривожланиб, сайқал топмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбасари Абдусаттор Мирсаидов. — Зеро, мазкур соҳа ривожга тўғайли ота-боболаримизнинг турмуши фаровон, рўзғори бут, дастурхонлари тўкин бўлган. Асрлар оша кадр топиб, улугланиб келаётган миллий хунармандчилик аъёнлари истиклол йилларида янгича маъно-мазмун касб этди. Таъкидлаш лозимки, партия ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг асосий мақсади партия электроти бўлиши хунармандларни қўллаб-қувватлаш, маҳалларда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратишга қўмаклашишдан иборат. Шунингдек, уларга банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида қўмак бериш, аёллар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан таништиришда мазкур семинар муҳим ўрин тутати.

Давра суҳбати

Илмий-маданий меросимиз тарғиботи

бунда депутатлар фаол иштирок этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари сайловчилар билан учрашулар давомида партия ҳудудий Кенгашлари томонидан ташкил этилган тадбирларда ҳам иштирок этишди. Жумладан, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ташкил этилган Президентимизнинг “Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаси мазмун-моҳиятини ўранишга бағишланган давра-суҳбатда фракция аъзолари Улғабек Жалмонов ҳамда Жамила Ниязова иштирок этиб, мавзу юзасидан маъруза қилишди ҳамда партиянинг ҳудудий ташкилотларидаги вакиллари ва депутатлар билан мулоқотда бўлдилар.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ботир Матмуратов мустақиллик йилларида ўттишимиз, аждоқларимизнинг буюк меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга, ёш авлодни миллий қадрият ва бой тарихий меросимиз асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлади. Бу борада Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференция алоҳида аҳамият касб этишини эътироф этди.

Дарҳақиқат, конференцияда халқимизнинг асрлар давомида илм-фан, маданият ва адабиёт йўналишларида тўплаган бой илмий мероси ва бутун инсониятнинг юксалишидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, давлати-

Таъкидланганидек, миллий қадриятларимиз ва аждоқлардан бизга етиб келган меросни ўрганиш ва авлодларга етказиш, “устоз ва шогирд” аъёнларини давом эттириш учун юртимизда моддий-маънавий асос яратилди. Бу борада, айниқса, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида яратилган имтиёзлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ҳамда ёшларни доимий иш билан таъминлаш, қолаверса, ота-боболаримиз меросини асраб-авайлаш имконини бермоқда.

Тадбирда “Хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иқтисодий йўналишдаги устувор вазифаси”, “Банк кредитларининг хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти”, “Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк кредитларининг ўрни” каби мавзуларда маърузалар тақдим этилди. Шунингдек, партия фаоллари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан хунармандчилик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, соҳа ривожига учун яратилган имтиёзлар ва солиқ имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир давомида миллий хунармандчилик маҳсулотлари ва банк хизматлари кўргазмаси намойиш этилди. Семинар якунида Марғилондаги 29 нафар хунарманд, ёш оилавий тадбиркор ҳамда коллеж битирувчиларини жами 365 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Келгусида ушбу маблағлар эвазига 50 дан зиёд янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Шоҳсанам МАХМУДОВА, тадбир иштирокчиси:

— Истиклол йилларида юртимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати янада сайқал топиб бормоқда. Қўли гул хунармандларимиз томонидан яратилаётган бир-биридан чиройли хунармандчилик намуналари ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу эса маҳсулотларимизни дунё миқёсида танитиш, тарғиб этиш имконини бераётди. Бу борада, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Марказий банк кўмагида ажратилаётган имтиёзли кредитлар биз ёшларнинг хунармандчилик фаолиятимизни бошлашимиз, янги иш ўринлари ташкил этишга эришимизда айна мудоао бўлмоқда. Анчадан буюн тикувчилик чеҳи очиб, катталар ва болалар учун турли либослар тикишни, маҳаллаимиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишни ўйлаб юрдим. Менга тақдим этилган тўққиз миллион сўмлик имтиёзли кредит тикув машиналари харид қилиб, фаолиятимни йўлга қўйишим, қолаверса, бир нечта иш ўрни яратишим учун муҳим пойдевордир.

ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан “Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг моддий ва ҳуқуқий асослари” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, - деди тадбирда сўз олган халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Азизхон Аҳмедов. — Зеро, оилавий тадбиркорлик ривожига — юртимиз ва иқтисо-

диётимиз тараққиёти гаровидир. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилгани тўғрисида бугунги кунда соҳа изчил ривожланиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ҳамда касаначиликни ривожлантиришга қўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, турли лойиҳалар, семинарлар, тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Бугунги тадбир оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш ниятида бўлган фуқароларни мазкур соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тадбиркорлик фаолияти учун-яратилаётган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиб, импорт ўрнини босувчи рақобатдош, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис хизмати шохобчалари барпо этиш, миллий хунармандчилик турлари ва касаначиликни йўлга қўйиш орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи имкон қадар ижобий ҳал қилинмоқда.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шаҳзода ҒАҒҒОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Хроника

Бу муқаддас Ватанда — азиздир инсон

ЎЗМТДП томонидан ўтказилган тадбирларда шу мавзуга эътибор қаратилди

ФАРҒОНА

ЎЗМТДП Қувасой шаҳар Кенгаши томонидан “Бу муқаддас Ватанда — азиздир инсон” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси О.Худойбердиев сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий соҳаларда кенг қўламли бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига-чирой, кўригига-кўрк қўшилмоқда. Бундай ислохотлар республикамизда яшаётган каттаю кичикни бирдек қувонтириб, мамнун этмоқда. Нафақат юртдошларимиз, балки хориждан келган сайёҳлар ҳам мамлакатимиздаги ўзгаришларни кўриб, ҳайрату ҳавасларини билдиришмоқда. Шунингдек, тарихий обидаларни қайта тиклаш ва янада ободонлаштириш ишлари мунтазам олиб берилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтишимиз лозимки, бу борада ЎЗМТДП ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интиломоқда.

Яқунда Ватан ишқи, истиклол сурурини ўз шеърларида жо айлаган тумандаги шоирлар, қўшқчиларнинг чиқишлари кечага ўзгача шўқуқ бахш этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎЗМТДП Пскент туман Кенгаши томонидан “Ёш авлод тарбиясида аёлларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, қизларнинг замонавий билим ва касб-хунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хотин-қизларнинг оила ҳамда жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, бўлажак оналарни оила қуришга жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёрлаб бориш келажақ авлод вакиллари баркамоллигида муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб ўтказилаётган бу каби тадбирларда оила қуриш оstonасида турган ёшларга оила, соғлом фарзанд дунёга келиши ва унинг тарбияси борасида тушунтиришлар берилмоқда. Бу йигит-қизларнинг маънавияти, тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ёшларнинг олаётган билими ва кўникмалари келажақда соғлом фарзандни дунёга келтириш ва баркамол қилиб улғайтиришда ижобий самара берса, ажаб эмас.

САМАРҚАНД

— Ёшлар юрт истикболини белгилувчи асосий куч, десак муболага бўлмайди, - деди ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси матбуот котиби Ақтам Тошпўлатов “Глобаллашётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни” мавзусида ўтказилган тадбирда. — Мустақил фикрли, қобилиятли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада оширишга қўмаклашиш партияимизнинг устувор дастурий мақсадларидан ҳисобланади. Шу боис, келажагимиз эгаларини Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишга жалб этиш, уларнинг истеъдоди ва ижодий имкониятларини юзага қаришга эътибор қаратишимиз лозим. Шунингдек, улғайиб келаётган ёш авлодни миллий ғоя ва азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўмаклашиш биз партия вакиллари доимий эътиборида бўлиши керак. Ана шунда маънавиятимизга таҳдид солаётган салбий иллатларга Ўртбошимиз таъбири билан айтганда “Ғояга қарши — ғоя, фикрга қарши — фикр, жаҳолатга қарши — маърифат” билан жавоб бера оламиз.

Яқунда ёшлар “Оммавий маданиятнинг салбий таъсири”, “Глобаллашув жараёнида маънавий таҳдид” мавзуларидаги маърузалар юзасидан баҳс-мунозарага киришдилар. Фаол иштирокчилар партия вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

СУРХОНДАРЁ

— Ёш авлод вакиллари ҳар жиҳатдан етук, баркамол этиб тарбиялашга қўмаклашиш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади, - деди партия Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси Ф.Бобомуродов “Буюк келажақ сари” мавзусида ўтказилган тадбирда. — Шу боис партияимиз ва бир қатор ўқув муассасалари ҳамкорлигида ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш, уларни касбга йўналтириш, турли салбий оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бу каби тадбирлар фарзандларимиз маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, келажаги йўлида олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатлар, ташаббуслар ўзининг ижобий самарасини бераётганини ҳамда ёшларнинг илм-фан қўққиларини забот этиб, юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ундаётганини эътироф этилди.

КАШҚАДАРЁ

ЎЗМТДП Қарши шаҳар Кенгаши томонидан “Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш — давр талаби” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Суннатилла Омонов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Глобаллашув жараёнида ёшларимизни ёт ғоялар ва салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишга барчамиз бирдек масъулмиз. Улғайиб келаётган ёш авлод ўзлари билмаган ҳолда турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун улар орасида тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришимиз лозим. Ҳусусан, миллий ғоя ва тарихий қадрият ва аъёнларимизни улар онгига сингдириш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран англашларига қўмак бериш биз катталарнинг вазифасидир.

НАВОЙИ

ЎЗМТДП Кармана туман Кенгаши томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида “Соғлом бола — соғлом келажақ” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Тўлқин Рустамов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, яхши таълим-тарбия олиб, баркамол инсон бўлиб вояга етишини истайди. Мамлакатимизда истиклол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли сайёҳ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда партияимиз ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, фаол иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, туман Кенгаши томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Тадбир давомида партия туман Кенгашининг шу йўналишдаги фаолиятини янги босқичга кўтариш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

ХОРАЗМ

— Истиклол йилларида фарзандларимизни юксак маънавиятли, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, - деди ЎЗМТДП Хазорасп туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Абдулло Матқонов “Баркамол авлод — ёруғ келажагимиз пойдевори” мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда. — Келажагимиз эгалари ҳақида қайғуриш, муносиб таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар жараёнида уларнинг иштирокини янада қучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ёшларимизнинг таълим олиши, ўз иқтидорини тўла намоён этиши йўлида яратилган кенг имкониятлар сабаб қўллаб-қувватлаш имтиёз-қизлар жаҳон фан олимпиадалари, халқаро спорт мусобақаларида юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, партияимиз сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини қўзғайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур тадбир ҳам айна мақсадлар рўйида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тўмарис АбЗАМ, «Milliy tiklanish» мухбири

Партия лойиҳаси

Болалар адабиёти

ёш авлод маънавиятини шакллантиришнинг
муҳим воситаси

Насриддин БОЗОРОВ оғзин суришлар

ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда ЎзРФА Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамкорлигида “Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида” шiori остида “Болалар маънавиятини шакллантиришда болалар адабиётининг ўрни ва roli” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг билим олиши, истеъдодларини юзага чиқаришлари, бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлади. Шунингдек, тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Арслон Ёшмуродов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди:

— Мустақиллик шарофати билан ўзбек адабиёти том маънода янгилашши ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмоқда. Зеро, адабиёт инсонни маъна ва ахлоқдан, интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш, эстетик қарашларини шакллантириш манбаи, кишини қалбдан гўзаллик, ҳақиқатпарварлик, инсонпарварлик, қомиллик сари етакловчи мустақил маънавий асосдир. Эътироф этиш жоизки, Юртошимиз томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавият масаласига энг муҳим ва устувор йўналиш сифатида катта эътибор қаратилиб, бу борада адабий соҳа ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, келажакдаги эгаларини адабиёт ва санъатга ошно этиб, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва вояга етказишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг чин инсонийлик бурчимиз ҳисобланади. Келажак авлоднинг ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида камол топтиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан саналади. Бу йўналишда ЎзМТДП “Ёшлар қўлти” томонидан “Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Бугунгача юртимиз ифтихорлари билан ўтказилган кўплаб учрашув ва юзма-юз мулоқотлар ёшларимиз тарбиясида илҳомий самара бермоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев бугунги XXI аср адабиёти, унинг фарзандлар камолотида тутган ўрни ва роли хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Тадбирда сўз олганлар Худойберди Тўхтабоев асарлари ўзбек адабиётида юмроғи бойлиги, болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос табиати, руҳий кечин-

малари ниятда жонли, қизиқарли ва болаларбоп йўсинда маҳорат билан тасвирланиши билан ажралиб туришини таъкидлашди. Шунингдек, адиб ўзбек болалар адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиққан ихлоқдорлардан бири эканлигини, унинг биргина “Сариқ девни миниб” номи романи жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган, бу ўзбек болалар адабиёти уфқини сезиларли даражада кенгайтирганини эътироф этдилар.

— Мақтаб даврининг илк паллаларидан адабиёт фанини севмаган, ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган истеъдодли вакиллари билан бири Худойберди Тўхтабоевнинг машҳур асарла-

Шухрат ДЕҲҚОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Юксак маънавиятга ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Мамлакатимизда фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиб, ўз ютуқлари билан Ўзбекистон доврий жаҳонга танитиб, халқро микёсда давлатимиз обрўини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётган фидойи шахслар билан ёшларнинг жонли мулоқотини ташкил этиш айна мақсадлар ижросида муҳим ўрин тутди. Давра суҳбатида илмга чанқок, адабиёт ва санъатни севувчи, жасоратли ёшларни қўриб, уларга ҳавасим келди. Зеро, бу каби ёшлар мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиз.

Дилшод ЖУМАЕВ, тадбир иштирокчиси:

— ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳасида мунтазам иштирок этаман. Бугунги учрашувда ҳам ўзбек болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, жаҳон бадииятига қўшаётган ҳиссаси ҳақида атрофлича маълумот олдим. Шунингдек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг асарлари орқали танир эдик. Аммо бугун юзма-юз суҳбатлашиш, юртимизда болалар адабиётига улкан ҳисса қўшаётган ихлоқдорнинг фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Ўзбек миллий қаҳрамонлари дунё бўйлаб кезаётганидан, рости кўнглимиз чексиз ғурур, ифтихорга тўлди.

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Ташаббус ва натижа

Халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, аждодларимизнинг бой тарихий, илмий, бадиий ва маданий мероси, меъморий ҳамда қадимий қадамжоларини асраб-авайлаш, уларни ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада, қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди, уларнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Аждодлар маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни кучайтириш, улар самарадорлигини оширишга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам муносиб ҳисса қўлишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши сессиясига партия гуруҳи томонидан “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросига бағишланган ташаббус-масала киритилди. Унда шаҳарда туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар кенг ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Бухоро вилоят ҳокимининг 2008 йил 30 октябрдаги қарорига асосан, ҳудуддаги моддий-маданий мерос объектлари рўйхати тасдиқланди. Уларнинг муҳофазаси Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Бухоро вилояти инспекцияси зиммасига юклатилди.

Сессияда шаҳардаги мавжуд маданий мерос объектларида реставрация ва реконструкция ишларини ташкил этиш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Шоира Аҳмедова ахборот берди:

— Бугунги кунда шаҳарда жами 292 та моддий-маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Улардан 3 таси археология объекти, 254 таси архитектура ёдгорлиги, 17 таси монументал санъат асари, 12 таси архитектура ансамбли ва 6 таси диққатга сазовор жойлардир.

“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, инспекция томонидан ўтган йил давомида Бухоро шаҳридаги барча маданий мерос объектлари хатловидан ўтказилди. Инвентаризация натижасида объектларнинг жойлашуви, уларнинг техник ҳолати аниқланиб, тегишли да-лолатномаларда акс эттирилди.

Меъморий ёдгорликларни сақлаш мажбуриятини олган Бухоро шаҳар ҳудуддаги 25 та ташкилотда ва Бухоро давлат музей қўриқхонасида 12 та сақлаш шартномалари янгиланди. Шунингдек, 250 та иҳарачига “Ижара-сақлаш шартномаси” ҳамда 9 та субъектга ўз ҳисобидан таъмирлаш-ободонлаштириш учун 5 та оддий турдаги маданий мерос объектини сақлашга оид мажбуриятлар расмийлаштирилди.

Инвентаризациядан ўтказиш жараёнида жами 68 та фойдаланилмаётган объектдан 16 таси авария ҳолатида эканлиги аниқланди. Шунингдек, хатлов ўтказилиши жараёнида давлат мулк ҳисобланган маданий мерос объек-

Аждодлар мероси —
буюк тарих кўзгусиушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини
ошириш партия гуруҳи ташаббуси билан
муҳокама қилиндиларини ноқонуний хусусийлаштириш
ва унинг ҳудуди ноқонуний равишда
эгалланиши юзасидан 3 та ҳолат аниқ-

ланиб, тегишли ташкилотларга ҳужжатлар тақдим этилди.

Маданий мерос объектларини бус-бутун ҳолича келажак авлодларга етказиш ва уларни замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш масаласида инспекция сай-ҳаракатлари билан ҳомийлар маблағлари жалб қилинмоқда. Жумладан, 2013 йил давомида объектларни ўз ҳисобидан таъмирлаш истагини билдирган ҳомийларга жами 21 та объект қонун ҳужжатларига мувофиқ таъмирлаш учун топширилди. Улар сирасига Масжиди Калон, Хўжа Табанд, Пойи остона, Сайфиддин Боҳарзий, Ойбинок, Файзобод, Халифаи Худойдод, Волидан Абдулазизхон, Биби Орифа, Баланд, Куйи хонақо, Сиёҳгарон ва Бозори Корд масжидлари, ҳамда Мир Саид Камол, Хуржун ва Иброҳим Охун мадрасалари, Бадриддин ва Фуломжон қаров саройлари, Имом Қозихон мақбараси каби турли объектларни киритиш мумкин, - деди нотик.

Ийгилишда қайд этилганидек, маданий мерос объектларини таъмирлаш учун давлат бюджетидан 2013 йилда 600 млн. сўмга яқин маблағ ажратилган бўлиб, улар тўлалигича ўзлаштирилган.

Шунга қарамай, соҳада айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги қарорига мувофиқ, 2011-2013 йилларда вилоятдаги маданий мерос объектларини таъмир-

лаш учун маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан жами 1915.5 млн. сўм ажратилиши белгиланган эди. Аммо ҳозирги кунга қадар маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган ва натижада режалаштирилган таъмирлаш ишлари якунига етказилмаган.

Сессия якунида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шаҳарда маданий мерос объектларини таъмирлаш, уларнинг муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада ечимини қутаётган масалаларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қарор қабул қилинди. Қарорда соҳага оид Дастурлар ижросини кучайтириш, мавжуд маданий мерос объектларини реставрация ва реконструкция қилиш ҳамда туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, вилоят маданиятида миллий ва замонавий қадриятларни акс эттириш чораларини кўриш ва Бухоро шаҳрининг қайта тикланаётган қадимий 7 дарвозаси, қадамжолар, тарихий обидалар ҳамда Қўҳна ва боқий Бухоро маданий маркази каби диққатга сазовор масканларни янги туристик турларга киритиш бўйича тегишли ташкилотлар зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Ийгилишда сўз олганлар халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи сессияда қўрилган масалаларнинг ижроси юзасидан депутатлик назоратини кучайтиришлари лозимлигини алоҳида эътироф этишди.

Истат ИМОМОВА,
халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан
сайланган депутат:

— Партия гуруҳимиз ташаббуси билан шаҳар Кенгаши сессиясига киритилган масала шаҳарда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳамда туризм ва сервисни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, сессия қарориди Бухоро шаҳрининг Эски шаҳар, Арк қўргони, Ситораи Моҳи-Хосса каби тарихий мажмуаларида вилоят театр жамоасининг чиқишлари, миллийлигимизни тарғиб этишга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ташкил этиш, ганч ўймакорлиги, наққошлик, бош қийимлар тайёрлаш, патдузлик, зардузлик, пичоқчилик, маҳсидузлик каби миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш юзасидан тегишли ташкилот ва мутасадди раҳбарлар зиммасига муайян вазифалар юкланди. Мазкур сай-ҳаракатлар ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган ғояларни амалга оширишга, партия электорат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиладди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши маъбуот котиби

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Ташаббускор партия аъзолари

қуйи бўғинлар фаоллигига кўмаклашмоқда

партиядошларимиз иштирок-кида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кузатилаётган муҳим жараёнлар хусусида фикр алмашамиз. Фаолиятимизни янада жонлантириш, аъзоларнинг сиёсий билимларини юксалтириш мақсадида қаратилган суҳбатларимиз қизғин баҳс-мунозараларга айланади. Партия фаоллари иштирокида ташкил этилаётган бу каби ийгилишлар ҳамда баҳс-мунозаралар, ўз навбатида, зиммамиздаги масъулият ва вазифаларни тўлақонли ҳис этишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Фаолиятимизни намунали ташкил этишда партия туман Кенгаши фаоллари

ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда, - деди суҳбатимиз давомида БПТ етакчиси. — Ўз навбатида, биз ҳам улар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. ЎзМТДП туман Кенгаши ҳамда партия гуруҳи томонидан ташкил этилаётган барча тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатларида аъзоларимиз фаол иштирок этишга интилиммоқда. Асосан, маорифчилардан иборат бўлган қуйи бўғин аъзоларимиз “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратишмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур қуйи бўғиннинг ташаббускор ва изланувчан аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни давр талаблари асосида ташкил этиб, миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғусини ёшлар онгига синдириш, ҳудудда халқимизнинг азалий қадрият, урф-одат ҳамда анъаналарини янада кенг тарғиб қилишга интилиммоқда. Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан 30 дан ортиқ турли мавзудаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. “Истиқлол ва ёшлар”, “Соғлом она — соғлом бола”, “Миллий қадриятларни қадрлаб”, “Халқ

амалий санъати — бардавомдир”, “Миллий тикланиш ғояси — миллий тараққиёт таянчи ва асосидир”, “Экологик ҳавфсизлигини таъминлаш — миллиятнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилишнинг бош омили” каби тадбирлар шулар жумласидандир.

ЎзМТДП аъзоларини бирлаштирган қуйи бўғин партия мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бигирувчи ёшларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйишлари учун имкониятлар яратилишига кўмаклашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Навбаҳор туманида бу каби фаол бошлангич партия ташкилотлари кўпчилигини ташкил

этади. Шу боис туманда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Кези келганда, туман партия ташкилоти таркибидаги айрим қуйи бўғинларнинг фаолияти камчиликлардан холи эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Инчунун, намунали бошлангич партия ташкилотларининг фаолият самарадорлигини ўрганиш тажрибасининг кенг жорий этилаётганлиги боис, мавжуд камчиликлар босқич-ма-босқич бартараф этиб боришмоқда.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

Маълумки, сиёсий партияларнинг аҳоли орасидаги мавқеи ва таъсири кўп жиҳатдан таянч бўғин ҳисобланган бошлангич партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам бугунги кунда ҳудудий Кенгашлардаги бошлангич ташкилотларнинг фаолиятини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, юртимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган партия аъзоларининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини юксалтириш ҳамда уларнинг мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини оширишда қуйи бўғинлар фаоллиги муҳим ўрин тутди.

Айни кунда ЎзМТДП Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари таркибида 12 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 445 та қуйи бўғин партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларини самарали йўлга қўйишган. Эътироф этиш лозимки, мазкур қуйи бўғинларнинг 109 таси ЎзМТДП Навбаҳор тумани Кенгашида ташкил этилган. “Бешрабат” маҳалла фуқа-

ролар йиғини қошида 82 нафар педагогни ўзида бирлаштирган БПТ партия ғоя ва мақсадлари тарғиботида етакчилик қилмоқда.

— Қуйи бўғинимизнинг самарали фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароитлар мавжуд, замонавий жиҳозланган алоҳида хона ажратилган, - дейди бошлангич партия ташкилоти етакчиси Олим Ҳамидов. — Бу ерда мунтазам равишда

Реклама ўрнида

Истиклолнинг ойдин йўлида

илдам одимлаётган корхона

Мамлакатимиз истиклолнинг ҳар бир йили залворли ютуқлар ва самарали натижаларга бой тарзда кечмоқда. Бугун қай бир ҳудудга ва қай бир жабҳага назар ташламайлик, янгилик ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Соҳаларда амалга оширилаётган ишчи ислохотлар пировардида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янгилашни барпо этишга қаратилган эътибор тўғрисида маълумотларни реал тармоғи бўлган ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, ички ва ташқи бозорда юртимизда тайёрланаётган сифатли маҳсулотларнинг харидорларини ошмоқда.

Навоий вилоятида юртимиз истиклолида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик саноат тармоқлари талайгина. Шулардан бири "Navoiyazot" очик акциядорлик жамиятидир. Яқинда фаолиятининг ярим асрлигини нишонлаган ушбу кимё саноати мажмуасининг тарихий солномасига назар ташлайдиган бўлса, заводда ишлаб чиқариш қувватининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. 1964 йилнинг 29 декабрь санасида заводда биринчи тайёр маҳсулот аммиак селитраси олинган бўлса, йиллар давомида, айниқса, мустақиллик даврида амалга оширилган цехларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, харидориги ва рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ушбу гигант корхонанинг ҳар томонлама такомиллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хозирги кунга келиб корхонада 11 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Юқори техник ва технологик имкониятларга эга бўлган жабҳада айни пайтда 85 турдан ортиқ кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Жумладан, асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳисобланган минерал ўғитлардан ташқари, яна сирка кислотаси, нитрон толаси, сульфат аммоний, аммиакли сув, тиомачевина сингари халқ ҳўжалиги ва енгил саноат учун зарур бўлган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, Япония, Хитой, Россия, Туркия, Эрон, Қозғистон каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Экспорт салоҳиятининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги эса ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

— Технологик жараёнларни қайта таъмирлаш ва янгилаш ишлаб чиқариш қувватларини кескин оширишга олиб келди, дейди "Navoiyazot" ОАЖ бошқаруви раиси

Собир Жамолов. — Утган йилда жами 484,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткич 602,7 миллиард сўмга кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Корхонада ижодкорлик, яратувчилик муҳити барқарор. Мақсадли, йирик инновацион лойиҳалар асосида ОАЖ таркибиде замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо этиш йўналишида ҳам кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Яқин келажақда барпо этилиши режалаштирилган аммиак-карбомид, азот кислотаси, метанол, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 баробар ошиши кутилмоқда.

Жамиятнинг етакчи бўғинларидан бири бўлган аммиак ишлаб чиқаришнинг 1- ва 2-навбатларида айни пайтда суяқ аммиак, газ ҳолатидаги аммиак, аммиак суви, метанол хом ашёси, суяқ ва газ ҳолатидаги карбон кислотаси, сиқилган кислород каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Эътиборли жиҳати, заводнинг иш тартибаси қўшни давлатлар эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда. Шу боис корхоналар билан алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб, бу ерга иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун хорижлик мутахассислар ҳам тез-тез таъриф буюришади.

Таъкидлаш жоизки, корхона фақат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Кейинги йилларда яратилаётган интенсив боғлар, иссиқхоналар, чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик маҳсулотларини етиштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эл маъмуричилиги таъминлашга қаратилгандир.

Корхонада 150 ўринга мўлжалланган санаторий-профилакторий, "Офтобжон" болалар соғломлаштириш оромгоҳи, "Ширин" маданият саройи, "Кимёгар" спорт

мажмуаси ҳамда касб касалликлари, жароҳлик бирлашмаси ҳамда поликлиника хизматидан иборат тиббий муассаса фаолият олиб бормоқда.

Корхонада ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011-2014 йиллар мобайнида 70 га яқин ёш оилани намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида турар-жойларнинг бошланғич суммаларини тўлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган кўп минг сонли ва кўп миллатли меҳнат жамоаси жорий йилнинг 24 май санасида корхона ташкил топганлигининг эллик йиллиги ҳамда "Кимёгарлар кўни" байрамига муносиб нишонлади. Шу муносабат билан "Ширин" маданият саройида ташкил этилган тантанали маросимга корхона ишчи-хизматчилари, меҳнат фахрийлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

Тадбир аввалида кимёгарларни Навоий вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Эркинжон Турдимов самимий қутлади. Вилоят ҳокими корхонада фаолият юритаётган фидойи инсонлар меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, мустақиллик йилларида уларнинг 16 нафари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганлигини алоҳида эътироф этди.

Тантанали маросимда бир гуруҳ саноатчилар "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси, Навоий вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Байрам шодиёнаси "Кимёгар" спорт мажмуасида ташкил этилган гала-концерт билан давом этди. Ўйингоҳга таъриф буюрган ишчи-хизматчилар ва тадбир меҳмонлари Республикаимизнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги дилтортар қўшиқлар ва жозибали рақслардан баҳраманд бўлишди. Меҳнатда илгор бўлган кимёгарлар учун бу байрам эсда қоларли ва ёрқин таассуротларга бой бўлди.

Ўралои ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида ўтган 10 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан "Аёллар тадбиркорлиги — банк эътиборида" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Аёллар тадбиркорлиги

тижорат банклари эътиборида

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда, хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, фаоллиги ва ташаббускорлиги тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ўз салоҳиятини намойиш этиши учун барча қулайлик ва имкониятлар яратилаётди. Айниқса, қишлоқ жойларда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш масаласида банкларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Эътироф этилганидек, Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, Марказий банк ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг барча шакллари ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини оширишга қара-

тилган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, аёллар раҳбарлигидаги корхоналарга инвестициялар жалб этиш, хорижий тажрибалар билан яқиндан таништириш

ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари орқали тадбиркор аёлларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Гулжамол АСҚАРОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
матбуот котиби:

— Охириги 10 йил давомида Республикаимизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини кредитлаш ҳажми 30 фоизга ўсди. Натижада жойларда 130 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар ўз иш ўринларига эга бўлишди. Утган йиллар давомида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш учун 2,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Мазкур кредитларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган тадбиркор хотин-қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Дилдора ОБИДОВА,
Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежи
иқтисод кафедраси мудири:

— Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани натижасида хотин-қизларимиз ўз фаолиятини йўлга қўйиб, кўплаб янги иш ўринларини яратишмоқда. Утган беш ой мобайнида тадбиркор аёллар учун тижорат банклари томонидан 397 миллиард сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига баъзи аёллар ўз фаолиятини бошлаган бўлса, баъзилари ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтиришга муваффақ бўлишди.

Бугунги кунда юзлаб маҳалла, турар жой ва мавзёларда янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ва кондитерлик маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, савдо дўконлари, болалар майдончалари, дам олиш масканлари барпо этилаётгани кредитларнинг самарали сарфланаётганлигидан далолатдир.

Жорий "Соғлом бола йили"да айнан аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти учун тижорат банклари томонидан 600 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

СУҒУРТА БОЗОРИ

унда "IShONCh" Банклараро суғурта компаниясига ишонч ортиб бормоқда



Юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ, мамлакатимизни демократик ислоҳ қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнларда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 31 та суғурта компанияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Ана шу компаниялар орасида "IShONCh" Банклараро суғурта компаниясининг ҳам ўз ўрни бор.

уларни мажмуавий дастурларини тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарорига кўра, 1996 йилдан иш бошлади.

Бугунги кунда компаниямиз мамлакатимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотларига 40 дан ортиқ турдаги суғурта хизматларини кўрсатади. "IShONCh" БСК томонидан тақдим этилаётган комплекс суғурта хизматлари замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, кўзда тутилмаган ҳодисалар, техноген ва табиий қалтисликлардан ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш имконини беради.

Ташкилий тузилмамиздан суғурта хизматларини ривожлантириш, маркетинг ва ахборот технологиялари, қалтисликларни бошқариш ва қайта суғурталаш, суғурта даъволарини кўриб чиқиш, активларни бошқариш ва молиявий таҳлил каби департаментлар ўрин олган. Шунингдек, жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича назорат гуруҳи ҳам иш олиб боради. Республикаимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида филиалларимиз бор.

Суғурта хизматлари жамланмаси дунё тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига суғурта полисларини тақдим этади. Шу билан бирга ҳар хил турдаги қутилмаган техник ҳодисаларни молиявий ва сиёсий характердаги ҳолатларидан келиб чиқиб, ҳимоя қилишни таъминлайди.



— Компаниянинг асосий таъсисчи ва ҳамкорлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бизнинг асосий таъсисчимиз Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳисобланади.

Шунингдек, "Uzbekneftegaz" МХК, "Хунарманд" уюшмаси, Республика фонд биржаси, "Тошкентметрополитени" ДУК, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, "Ўзнефтегазқазибчиқариш" АК, "Агробанк" ОАТБ, "Ипотека банк" ОАТББ, "Микрокредитбанк" ОАТБ, ЎЗР ТИФ Миллий банки, "Ҳамкорбанк" ОАТБ, "Турон банк" ОАТБ каби йирик ҳамкорларимиз бор.

— Бундай ҳамкорлик суғурта ҳажмини ошишига қандай таъсир кўрсатади?

— 2013 йилда олиб борилган амалий ишларимиз натижасида суғурта шартномалари 2,4 баробарга кўпайди. Суғурта муқофотлари ҳажми эса 2012 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсди. Бунинг натижасида йил якуни бўйича соф фойда 817,2 млн. сўмни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг "IShONCh" Банклараро суғурта компаниясига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

— Соҳага оид қабул қилинган қарор ва қонунлар юзаси-

дан аҳоли орасида қандай тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилмоқда?

— Маълумки, суғуртанинг асосий вазифаларидан бири йўл транспорти ҳодисаларида жабрланганларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Бу ҳақда, 2008 йил 22 октябрдан бошлаб қўлга кирган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунда аҳолининг суғурта ҳуқуқлари, жавобгарлиги, суғурта муқофотлари тўлиқ белгилаб қўйилган. Айни кунда амалда бўлган "Транспорт воситалари

эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ва "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижроси юзасидан компаниянинг мавжуд барча бўлимлари моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, янги техника, мебель, алоқа воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бу эса компаниямизга мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қонун қабул қилинган вақтдан бошлаб, мазкур суғурта турлари бўйича суғурта хизматлари қамровини кенгайтириш мақсадида компания республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, қишлоқ жойларда янги бўлимларни ташкил қилди. Бугунги кунда компаниямиз филиал ва бўлимларини сони 20 дан ортиқни ташкил этади. Бундан ташқари, ҳайдовчилар учун қўлай бўлган жойларда суғурта полисларини сотувчи қатор шохобчалар ташкил қилиниб, кўплаб суғурта агентлари ҳам мажбурий суғуртани амалга оширишга жалб этилди. Утган 2013 йилда олиб борилган амалий ишларимиз натижасида ТВЭФЖМС бўйича суғурта муқофотлари ҳажми 2012 йилга нисбатан 1,6 баробарга ўсди.

"Milliy tiklanish" мухбири
Эркин Йўлдош
суҳбатлашди


Бизнинг шарҳ

КЎРИНМАС ОЛАМДАГИ
КЎРИНАРЛИ ЖИНОЯТЛАР

Интернетнинг имкониятлари чексиз — у билан бир зумда дунёни «саёҳат» қилиш, мавжуд воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш мумкин. Ўзaro мулоқотлар, ҳатто коммунал ва солиқ тўловлари, халқаро шартномалар ёки акциялар интернет орқали амалга ошириляётгани ҳам янгилик бўлмай қолди. Аммо бундай ривожланиш, замонавий технологияларнинг шиддати бошқа муаммо — кибержиноятчиликни келтириб чиқараётгани ҳам бор гап.

Хусусан, интернет орқали банклардан пул ўғирлаш, қимматбаҳо маълумотларни қўлга киритиш, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит картчалари рақамни ва банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ҳамда бошқа турли ҳуқуқбузарликларнинг тарқалиши каби жиноий ҳаракатлар тобора кўпайиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 400 миллиондан ортиқ интернет фойдаланувчиси кибержиноятчилар қурбонига айланмоқда. Халқаро компаниялар ҳар йили ахборотнинг ташқарига чиқиб кетиши, уларнинг обрўйига етган зарар ва оқибатларни бартараф этиш билан боғлиқ кибержиноятчилик ортидан 1 триллион долларга яқин зарар кўрмоқда. Бу дунёда кўп даромад келтирадиган ноқонуний бизнес — наркотик



моддалар савдосининг йиллик ҳажми (288 миллиард доллар)дан бир неча баробар кўпдир.

Кузатувчиларнинг фикрича, ўтган 4 ой давомидида ҳақерлар кўпроқ турли элчионалар ва марказий банклар сайтини нишонга олишган. Яқинда Бразилия, Хитой, Швейцария, Россиянинг қатор банкларига киберхужумлар уюштирилган. Бундай ҳаракатлар бир кунда амалга оширилган. Дастлаб мутахассислар ҳужумни банк сайтини ишдан чиқаришга уриниш сифатида баҳолашган, аммо кейинчалик ҳақерларнинг мақсади профессионал фойдаланишдаги банк ички сервисларига қаратилгани аниқланган. Бундай ҳолатлар Европанинг қатор давлатлари, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Тайвандда ҳам кузатилади.

Шунингдек, интернетдаги Facebook ижтимоий тармоғи ҳам қатор ҳақерлик ҳужумларга учраган. Оқибатда фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари бузилган. Кибер ўғирлар «сухбатдош»лари га вирусли электрон мактублар йўллаган. Шунингдек, компьютер тармоғи орқали фуқаролар номини булғаш, ёлгон маълумотлар тарқатиш, шаън ва қадр-қиммати камситиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Хитойдаги компьютерларга вирус энг кўп ҳавф солган. Кибержиноятчилар ҳужу-

ми энг кўп қаратилган мамлакатлар учлигида Россия ва Ҳиндистон ҳам бор. Тижорат сирларини қўлга киритиш бўйича ҳақерлик ҳужумларини амалга оширувчи хитойлик кибержиноятчилар гуруҳлари 60000-70000 кишилик аъзога эга экани айтилади. Кибержиноятчилар турли йўллар билан тармоқда махсус дастур тарқатади ва у фойдаланувчининг компьютерига тушган, маълум сайт ёки сервер манзилига сўровлар жўнатади. Кўплаб ана шундай дастурлар сайт ёки серверга жиддий таъсир ўтказишни бошласа, аста-секин сайт ёки сервер ишдан қоқлади, фойдаланувчилар учун кўплаб ноқулайлик ва муаммолар юзага келади.

Мутахассислар бундай ҳолатнинг олдини олиш ва кибержиноятчилик иштирокчиси ёки қурбони бўлмаслик мақсадида интернетдан фойдаланувчиларга вирусга қарши дастурлар, уларни мунтазам янгилаб бориш, тажрибали фойдаланувчилар учун тармоққа кирувчи ва чиқувчиларни назорат қиладиган махсус дастурлар ўрнатишни тавсия қилади.

Бугун Хитойда юз миллионлаб инсонлар интернетдан фойдаланади. Мамлакатда глобал тармоқ шунчалик ривожланганки, унинг ортидан турли жиноий ҳаракатлар ҳам кўпайган. Шанхай, Гуанжоу ва Пекин шаҳар маъмурияти муаммони бартараф этиш мақсадида интернет блоггерлари устидан назоратни кучайтирмоқда. Жорий этилган янги тартибга мувофиқ, интернет саҳифада фикр қолдирмоқчи бўлган шахсларга таҳаллус танлаш имкони берилди. Бироқ улар веб саҳифаларда шарҳ ёки изоҳ қолдиршдан олдин ҳақиқий исмларини маъмуриятга билдиришлари шарт.

Кибержиноятчиларнинг усуллари анча устакорона, улар сохта электрон манзиллари, ясама веб-сайтлар, вируслар ва тармоқли реклама ортига ашириниб, ишлайди. Бундай ўғирларнинг ўзлари тугул, босган изларини ҳам аниқлаш оддий ўғирларни топишдан кўра мушкул. Бунда фақат келтирилган зарарларни аниқлаш осонроқ. Улар дастлаб жамоа бўлиб ҳаракатланмайдилар. Якка-якка иш тутиб, ўғирлик майдонига киргандагина ўз-ўзидан кўпаяди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро эркин ахборот олиш ҳуқуқига эга. Айни шу ҳолатлар ҳам турли жиноий «ҳазилкаш ҳақерлар»нинг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Улар учун компьютер техникаси асосий объект бўлиб, ундан жиноят содир этиш мақсадида фойдаланмоқда. Маълумотларга қараганда, АҚШда кибергина компьютер ҳуқуқбузарлиги оқибатида ҳар йили тахминан 100 миллиард, Буюк Британияда 4,45 миллиард, Фарбий Европа мамлакатларида 30 миллиард АҚШ доллари миқдориди зарар кўрилади.

Бу кибержиноятчилик нафақат фуқаролар ёки ташкилотлар, балки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини тўлиқ компютерлаштирилган ҳар қандай давлатнинг миллий ҳавфсизлигига бевоқиф таҳдид эканини аниқлатади. Шу боис кибержиноятчилик бутун дунёда одатдаги жиноятларга тенглаштирилган ва уларни содир этган шахслар қонун бўйича таъқиб қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, ахборот маконида интернетнинг ўрни ортиб бораётган бир пайтда кибержиноятчиликдан ҳимояланиш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва бу борада назоратни кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish» шарҳловчиси

2007 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Жиноят кодекси «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» деб номланган 20-боб билан тўлдирди. Унда ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер саботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби қатор жиноятлар учун жазо чоралари белгиланган. Бундан ташқари, Жиноят кодексида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, компьютер тизимида рухсатсиз кириб ўтириш содир этиш, ноқонуний ахборот тўллаш, ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш каби компьютер жиноятлари таркиби кўзда тутилган.

Рангин дунё

Дехлидаги Қизил Қалъа ва Жоме масжиди, Аградаги Тожмаҳал, Фотиҳпур Секридаги Панчмаҳал, Лохурдаги Жаҳонгир мақбараси ва Шалимар боғи ҳар кун юз минглаб сайёҳ қадам ранжисида қиладиган диққатга сазовор иншоотлардир. Ана шундай ажойиб меъморий ёдгорликлардан яна бири Ҳиндистон жанубидаги Аурангобод шаҳрида жойлашган Библика мақбарасидир.


Аурангобод — Ҳиндистоннинг Махараштра штатида жойлашган шаҳардир. Унга бобурийлар подшоҳлигининг йирик вақилларидан бири Мўйихиддин Мухаммад Аурангзеб томонидан асос солинган. Аурангзеб даврида бобурийлар салтанатининг сарҳади исми қўрилмаган улкан ҳудудни эгаллаган. Шул оғда Баёхшон, жанубда Кришна дарёсига, шарқда Арокан (ҳозирги Мьянма) ўрмонлари-ю фарбда араб денгизигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Мамлакатдаги субалар сони 21 тага етган. Ҳозирги Аурангобод шаҳри ўрнида илгари Ҳаджи номи кишлоқ жойлашган эди. 1610 йили Аҳмаднагар султонлиги бош вазири Малик Анбар маҳаллий Ҳаджи қишлоғини асосан ҳарбийлар истискомат қиладиган қалъага айлантириб, унга Фотиҳнагар номи беради. 1633 йили шаҳар бобурийлар тасарруфига ўтади. Орадан йигирма йил ўтган, иккинчи марта Декан ўлкасига ҳоким этиб тайинланган шаҳарда Аурангзеб Фотиҳнагарни ўз субаси марказига айлантиради ва шаҳарни бутунлай қайтадан қурдиради. Энди шаҳар Аурангобод (тахдан қурилган шаҳар) деб ном олади. Аурангзеб Оламгир асосий нигоҳини Ҳиндистоннинг жанубидаги салтанатларга қаратади ва Қобулдан тортиб Декан пасттексисларигача бўлган

улкан империяни Аурангободдан туриб бошқарган. Қарийб эллик йил бобурийлар давлатини бошқарган Аурангзеб у ерда боғроғлар, гўзал иморатлар, сарой ва қасрлар бунёд эттирган.

Библика мақбарасининг бунёд этилишида ҳам Аурангзебнинг ҳисса қатнашган. Бир муддат Аграда яшаган Аурангзеб жанубга йўл олишдан аввал онасининг мақбараси — Тожмаҳални зиёрат қилади. Не ажабки, орадан кўп ўтмай, унинг ўзида ҳам Аурангободда худди шундай мақбара қурилишига ҳомийлик қилиш истаги пайдо бўлади. Севимли малякаси Дилрас Бону бегим вафотидан сўнг, унга аталган мақбара қурилишига ўғли, шахзода Аъзам Шохга етти юз минг рупий пул беради. Табиийки, Аурангзеб янги мақбара қурилишига отаси томонидан «Тожмаҳал»га сарфлаганидек, 32 миллион рупий бериши мумкин эди. Бироқ, у тахт учун кураш кетаётган бир пайтда мамлакат фазнасидаги пулларни ҳудда-беҳудда сарфлашни эп кўрмайди. Шунданми, жанубдаги мақбара қурилишини ўғлига ишониб топширади.

Тожмаҳалнинг бош меъмори Устод Аҳмаднинг ўғли Отаулло ва Ханспат Рай исми мохир усталар раҳбарлигидаги янги мақбара ўн йил дагандан ниҳосига етди. Унинг қурилиши учун мармар тошлар Жайпур яқинидаги конлар-

Буюк қоя бағридаги мўъжиза



дан ташиб келтирилган. Мақбара рашид ҳажми 485х275 метр га тенг. Худди Тожмаҳал саҳни каби Дилрас Бону бегим мақбараси сачининг тўрт томонида ҳам тўртта минора жойлашган. Бу миноралар рамзий маънода марҳум маликанинг тўртта канизагини ифода қилади. Дилрас Бонуни кўпинча Биби деб аташган. Шу тўғрисида Аурангободдаги бу меъморий ёдгорлик Библика (ҳинд тилида «ка» сўзи «нинг» қаратқич келишигини билдиради) мақбараси номи билан машҳурдир.

Мақбара атрофи аънанавий чорбоғ услубида қурилган бўлиб, худди Тожмаҳал каби олдида узун ҳовузи ҳам бор. Зиёратгоҳга жануб томондаги улкан дарвоза орқали кирилади. Бу ерга ҳар кун минг-минглаб сайёҳлар келиб-кетди. Библика мақбарасини маҳаллий халқ «Мискинлар Тожма-

ҳали» деб ҳам атайди. Аграга бориш учун жанубий Ҳиндистонликларда етарли даражада имконий йўқ. Шу боис, Библика мақбарасини зиёрат қилиш орқали улар Тожмаҳални кўргандек бўладилар.

Айтиш жоизки, 16-18 асрлар мобайнида бобурийлар томонидан бунёд этилган монументал иншоотлар Мовароуннаҳр ва Ҳинд меъморлик аънаналари асосида қурилган. Қурилиш материаллари сифатида оқ ва қора мармар, безак учун қимматбаҳо рангли тошлар — ақик, марварид, садаф, қаҳраб, зумрад, ёқут ҳамда фил суягини унумли фойдаланишлар эди. Библика мақбарасига келсак, унинг фасад қисмига оқ мармардан ишланган. Қолган қисмини пардозлашда асосан, ёрқин ранглардаги кумтошлардан фойдаланилади. Унинг миноралари гиштин бўлиб,

пардоз хом ашёси ўрнида майдаланган денгиз чиғаноқлари қўлланган. Чиндан-да, Аградаги мухташам Тожмаҳал мақбарасининг айни нусхаси бўлган Библика мақбарага бўлмайди. Айниқса, Мовароуннаҳрдан Ҳиндистон диёрига олиб кирилган боғдорчилик, ободончилик, бунёдкорлик иши алоҳида таҳсинга сазовордир. Шунданми, уларнинг қўли теккан улкан меъморий ёдгорликлар шу кунгача ўз салобатини йўқотмай келмоқда.

Зафар МУҲАММАД

ДУНЁДАН
ДАРАКЛАР

Поезд қачон юради?

Францияда касаба уюшмалари қарори билан темирйўл ходимларининг иш ташлаши яна бир кун давом этадиган бўлди.

Қарийб 7 кундан буён давом этаётган маскум норозилик намойиши оқибатида Париж атрофида катта тирбандлик юзага келган. Темирйўл ходимлари соҳадаги ислохотлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватламасликлари ана шу тарзда билдиришмоқда. Мамлакат бош вазири Мануэль Вальс иш ташлаш бефойдалиги ва бу мамлакат манфаатларига тўғри келмаслигини таъкидлаган. Маълумотларга кўра, иш ташлаш оқибатида ўн минглаб лицей битирувчилари қийин аҳволда қолган. Негаки улар давлат имтиҳонларини топшириш учун темирйўл орқали катта шаҳарларга етиб боришлари лозим эди. Ислохотлар мазмунини шундан иборатки, SNCF темирйўл оператори темирйўл инфратизимини бошқарувчи компания билан бирлаштирилмоқда. Соҳа ходимларининг фикрича, бундай ислохот меҳнат шарт-шароитига салбий таъсир қилади ва уларни давлат хизматчиси маконидан маҳрум этади.



Испанияда ёнғин

Испания шимоли-шарқидида ўт ўчирувчилар ўрмон ёнғинларига қарши курашмоқда.

Олов аллақачон 400 гектар майдондаги ўрмонни маҳв этишга улгурган. Ёнғин сабаби чакмоқ уриши дея тахмин қилинмоқда. Аланга етиб бориш мушкул бўлган ҳудудларда авж олаётгани сабабли ўт ўчиришда авиациядан фойдаланиляпти.



Муҳим босқич

Венада Эрон билан 5+1 ўртасида музокараларнинг муҳим босқичи бошланган.

Кеча Венада Эрон билан дунёнинг олти давлати вакиллари ўртасидаги музокараларнинг бешинчи давраси бошланган. Хабарларга кўра, бу Эроннинг ядровий салоҳиятини чеклашга доир халқаро битимнинг янги варианты имзолашиши учун муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар 20 июнга қадар давом этади. БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоси ва Германия Техроннинг урани бойитиш фаолиятини қисқартириши ва халқаро инспекторларнинг ядровий иншоотларни бориб кўришларига имкон беришни истамоқда. Ўз навбатида, Эрон халқаро битимнинг имзоланиши эъзизига Фарб давлатларининг Техронга нисбатан жорий қилган санкцияларнинг олиб ташланишини сўрамоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Эълонлар

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ ахбороти

Тугатиляётган «O'ZAVAILIZING» ОАЛКнинг 2014 йил 16 июндаги Л-172-сонли хатига асосан ушбу корхонага қарашли бўлган 5 донга 1 тумбали тел, 9 донга иш столи, 9 донга телефон «DAEWOO», 10 донга телефон тумбаси, 3 донга люстра-вентилятор, 2 донга журнал столи, 1 донга зинали нарвон (стремянка), 7 донга 2 қўтли стол, 1 донга нарвон (стремянка), 37 донга стул USO, 1 донга оператор кресло, 13 донга стул «Малайзия», 2 донга катта иш столлар тўплами, 1 донга йиғма стеллаж, 2 донга девор соати (осма), 2 донга электр чойнак «Филиппин», 1 донга «Палка представительская», 2 донга электр чойнак, 1 донга телевизор подставкаси, 1 донга мойли иситкич, 1 донга анжомлар тўплами, 2 донга алюмин канистр, 1 донга қалитлар тўплами «Шофёр», 2 донга газ бурагич (кюлч газовой), 1 донга компьютер-сервер, 4 донга принтер HP 6L, 1 донга Ш/к TS-Technology, 1 донга қороз майдалагич (уничтожитель бумаг) Intimus 152CC, 1 донга монитор «Samsung» 753 DFX17, 1 донга Ш/к NURON-O1 OPTIMUM SB-07, 2 донга хона тўплами (мебель), 8 донга кийим илгич (вешалка) 101 (141), 1 донга кондиционер LG-09, 1 донга кондиционер «KAPPER», 1 донга кондиционер TAC 18CHS/G, 9 донга кондиционер БК-1500, 1 донга кондиционер БК-2300, 1 донга кондиционер БК-2500, 1 донга конференц. стол «MIRO», 10 донга кресло LX, 1 донга магнитофон LG CD-323AX, 1 донга видеоманитофон «DAEWOO» DV-F54W, 1 донга уяли телефон (сотовый) (NOKIA) 6151, 1 донга юмшоқ мебель (уголок), 1 донга юмшоқ мебель, 3 донга раҳбар учун мебель тўплами, 1 донга офис мебель тўплами, 1 донга сейф ШКН-180, 1 донга сейф ШКН-75, 2 донга тизимли телефон, 1 донга сканер HP 2400, 1 донга телевизор Daewoo DMO-2597XT, 1 донга телефон Panasonic KX-T2365, 1 донга факс KX-F780, 2 донга темир шкаф ШК-2, 1 донга темир шкаф ШК-3, 1 донга мини АТС Key Phone System DU 9730001-9E Plexus 824, 1 донга гилам (ковёр) 3х4 ва 9,7 метр бўлган «Воланс», 21 метр бўлган «вертикаль жалюзий» ҳамда 1 тўпладан иборат «спутник антенна»лари аукцион савдосидан олинганлиги маълум қилинади.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичида-босқичи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Сирдарё вилоят Махсус алоқа боғланмасининг 2014 йил 23 май кундаги 39-26-70-сонли хатига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли Қарорларига асосан, қуйидаги автотранспорт воситаси аукцион савдосига қўйилмоқда:

Сирдарё вилоят Махсус алоқа боғланмаси ҳовлисидида сақланаётган автотранспорт воситаси:

1. «AMTC-TICO-STD-DAEWOO» русумли, д/6 20 274 BAA бўлган, 1998 йил ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 2 547 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 18 июль кун соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2014 йилнинг 25-29 июль кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Сирдарё вилоят Махсус алоқа боғланмасининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириг муддати: бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ «Турон» банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулиотон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-ў-корпус, 4-қават, 7-хона, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август.

Тадбир

Соғлиқни сақлаш — доимий эътиборда

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда давлат бюджети-дан ажратилаётган маблағлар, барқарор эпидемик ҳолатни сақлаш ва ғамхўрлик масалалари» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят давлат санитария-эпидемиология нazorat марказлари, юқумли касалликлар шифохоналари ходимлари иштирок этишди.

Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш доимий эътиборда. Аҳоли ўртасида юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминланмоқда. Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда дифтерия 2002 йилдан буён, полиомелит 1995 йилдан, чақалоқлар қоқшоли 2000 йилдан бери, қизамиқ ва қизилча 2012-2013 йилларда рўйхатга олинмади. 2000 йилдан безгак касаллиги динамикасида кескин пасайиш кузатилиб, 2009 йилдан ҳозиргача бу касаллик умуман қайд этилмаган. Бу кўрсаткичлар амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар натижасидир. Шунингдек, ўлат, вабо, сарик иситма, парранда гриппи каби карантин ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг республика ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига қарши чора-тадбирлар кўрилимоқда. Барқарор эпидемик вазиятни сақлаб туриш мақсадида чет давлатлардан олиб кирилатган озиқ-овқат ва бошқа барча турдаги халқ истеъмоли молларининг сифат ҳамда хавфсизлиги назорат қилинмоқда.

Ҳар йили ўртача 6 миллион нафардан зиёд фуқаронинг санитария назорати пунктлари орқали тиббий кўрикдан ўтиши таъминланмоқда. Юқумли касалликларга қарши курашда санитария-гигиена тадбирлари билан бир қаторда эмлаш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда миллий эмлаш жадвали асосида юртимизда 10 та юқумли касалликка қарши эмлаш тадбирлари ўтказиб борилади.

Бунда ҳар бир фуқаро эпидемиология кўрсатма бўйича бепул эмланади. 2010-2014-йиллар давомида вакцина таъминотининг давлат бюджетидан молиялаштириш миқдори ўртача 1-2 миллиарддан ортиб бормоқда. Эмлаш календарига ротарикс вакцинаси ҳам киритилган. Унга қўра, ҳар бир бола 2 ва 3 ойлигида ротарикс вакцинаси билан эмланади.

Тадбирда профилактик ва эпидемияга қарши амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўлидаги тушунтириш ишлари бўйича ҳам атрофлича фикр юритилди.

Кўргазма

Ўзбекистон — бахтли болалар мамлакати

фотокўргазма ана шундай номланди

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси, Миллий ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда «Соғлом бола йили»га бағишланган «Ўзбекистон — бахтли болалар мамлакати» ва «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур» номли фотокўргазма очилди.

Кўргазмада таниқли фотоижодкорлар томонидан тасвирга туширилган фотосуратлар намойиш этилди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ишлар самараси, соғлом турмуш тарзи, болаларнинг маданий ҳаёти акс этган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Маданият масканларида



Самарқанд аҳлига янги туҳфалар

2013-2018 йиллар давомида мамлакатимизда 894 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади

Юртимизда асрлар давомида шаклланган бой маданий меросимиз, халқ анъаналари ва урф-одатларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, маҳаллаларни янада обод этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртимизда барпо этилаётган муҳташам санъат саройлари, дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий оламида янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш ҳамда ҳаётини янада янгиликлар билан тўлдирish учун замон талаблари даражасида маданий хизмат кўрсатилишида муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорда аҳолининг маданий-маърифий дам олиши, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кенг қўламли вазифалар белгиланган. Жумладан, 2013-2018 йиллар давомида мамлакатимиздаги маданият уйи ва клублар негизига 894 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техник базаси тўлиқ янгилашни кўзда тутилган. Шунингдек, марказларнинг фаолият қўлами янада кенгайтирилиб, улар негизига хизмат турларини кўпайтириш режалаштирилган. Марказларда номоддий маданий мерос объектларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, замонавий студиялар ва тўғарақларни, шунингдек, бадий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил этиш йўли билан



бадий ижод ва амалий санъатни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилади.

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини ташкил этиш истиқболлари» мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Эътироф этилганидек, вилоятда маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш борасида намунали ишлар бажарилиб, амалий тажриба тўпланмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига қўра, Самарқанд вилоятида мавжуд 17 та маданият ва истироҳат боғларининг биттаси жорий, биттаси капитал таъмирланиши, 7 таси реконструкция қилиниши ва 8 таси янги ташкил этилиши белгиланган. Вилоятда маданият ва истироҳат боғларини янгидан қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ҳамда уларни замонавий болалар ўйин қурилмалари ва аттракционлар билан жиҳозлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Айни пайтда барча маданият ва истироҳат боғларида жами 200 га яқин аттракцион ва ўйин қурилмалари ўрнатилган.

Мазкур семинар негизига Оқдарё, Пайарик, Жомбой туманларидаги замонавий тарзда таъмирланган маданият ва

аҳоли дам олиш марказларининг тантали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу марказларда миллий маданиятимизни сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш, бадий ижод ва санъатни қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ва кўнгли-лоҳар тадбирлар ташкил этиш каби ишлар юқори савияда амалга оширилиб, аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароит яратилган. Биргина Пайарик туманидаги «Ёшлар» маданият ва истироҳат боғида 14 турдаги замонавий аттракционлар, 1000 кишига мўлжалланган стадион, стол тенниси ва шахмат ўйинлари-га мўлжалланган майдонлар ҳамда боғ бўйлаб салқин ичимликлар ва музқаймоқ шохобчалари мавжуд. Айниқса, боғнинг кўркига кўрк қўшган муҳташам музикали фаввора йиғилганларни янада хушнуд этди. Шунингдек, янги ташкил этилган марказларда мунтазам равишда фото ва амалий санъат кўргазмалари, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг фестивалларини ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ушбу масканлар иқтидорли ёшларни аниқлаш, рағбатлантириш ва ютуқларини тарғиб қилувчи даргоҳ сифатида хизмат қилади.

— Вилоятимиз кундан-кун чирой очиб бормоқда, — дейди тадбир иштирокчиси Ботир Иноғомов. — Бу боғнинг очилиши эса бизни янада хурсанд қилди. Фарзандларимиз билан бирга ўзимиз ҳам маданий ҳордиқ чиқаришимиз, спорт турлари билан шуғулланишимиз мумкин.

— Менга боғ жудаюм ёқди, — дейди 15 ёшли Фаррухбек. — Айниқса, музикали фаввора кишини ўзига жалб қилади.

Дўстларим билан бу ерга энди тез-тез келиб тураим.

— Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борсангиз, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз, — дейди Пайарик туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси Сайдулла Бойзоқов. — Шу жумладан, қадимий Самарқанд ҳам кундан-кун ёшариб, янада чирой очиб бормоқда. Туманларимизда барпо этилаётган маданият ва истироҳат боғлари ҳамда ва аҳоли дам олиш марказлари, улардаги шарт-шароитни кўриб, кўзинг қувнайди. Мана шундай файзли гўшларда юрар эканмиз, тинч-тотув ҳаётимизга, мустақиллик берган иншоотларга яна бир қарра шукрона келтирамиз. Тилагим — юртимизда бу каби гўзал масканлар кўпайиб бораверсин.

Семинар иштирокчилари вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари, эришилган натижалар билан яқиндан танишиш асосида ўзаро тажриба ва малака алмашдилар.

Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг ташкил этилиши аҳолининг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондиришга, ёшларнинг иқтисоди, лаёқати ва қизиқишларини тўғри йўналтиришга, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ориф Холикулов, «Milliy tiklanish» мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Томат шарбати

Пишиб етилган сабзавот ва меваларнинг сиқиб олинган сувини истеъмол қилиш орқали тана турли дардлардан халос бўлади. Шарбатлар организмга куч бағишлаш баробарида уни турли касалликлардан асрайди ҳам.



Бу борада тоmat шарбатига етадигани йўқ. Унинг таркибида мавжуд каротин моддаси инсонга тетиклик бахш этиб, кўриш қобилиятини оширади. Айниқса, ёз кунлари иссиқ урмасин ёки қон босимини ошмасин десангиз, бундай шарбатни ҳар кун истеъмол қилиб туринг. Қолаверса, тоmat шарбати озишни иставанлар учун аини мудоадир. Негаки, у анча вақтгача ёшлиқни сақлаб қолувчи кучли антиоксидантлар сирасига киради. Бундай шарбат саратон касаллигининг кўпгина турларидан ҳам ҳимоялайди. Маълумки, янги узилган помидорни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотларда ликопен моддаси помидорнинг ўзига қараганда кўпроқ бўлади. Ликопен оғиз бўшлиғи, ўпка, ошқозон, жигар, кўкрак безлари, бачадон бўйни, тўғри ичак саратонининг пайдо бўлиш хавфини камайтиради. Бундан ташқари, ликопен юракни эркин радикалларнинг таъсиридан ҳимоялаб, юрак ва қон-томир касалликларининг урчишига йўл қўймайди. Сабзавот ва мева сувлари турли витамин, биологик фаол моддалар — клетчатка, органик кислоталар, пектин, эфир мойларига нисбатан бой бўлади. Шундай экан, бирор сабзавотнинг сувини сиқиб олдингизми, узоғи билан ярим соат ичида ичинг. Чунки дақиқалар ўтгани сайин унинг шифобахшлик хусусиятлари камайиб бораверади. Шарбатларни иложи борица овқатланишдан ярим соат олдин ёки 1,5-2 соат кейин ичган маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

Ер ҳар кун Кўёшдан 550 миллиард тонна кўмир бера оладиган иссиқликни қабул қилади.

Анъанавий усулда ярим соатлик мультфильмни суратга олиш учун 18 мингдан ортиқ расм чизиш керак.

ТУРФА ОЛАМ

Жонга теккан кўринад

МУТАХАССИСЛАР ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗҚИШИ КҮН САЙИН СУСАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШМОҚДА.

YouGov тадқиқот маркази томонидан эълон қилинган «Ижтимоий медиа-2014» маърузасида келтирилишича, шу кунларда «Twitter»ни 10, «Facebook»ни 9 фоизга яқин фойдаланувчи иштирокчи равишда тарқ этган. Ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, интернетдан фойдаланувчиларнинг 55 фоизи виртуал мулоқот жонга теккани, 26 фоизи шахсий ҳаётини дунёга дастурхон қилишдан тўйгани, қолган 21 фоиз сўралганлар эса интернет рекламадан безор бўлгани боис ижтимоий тармоқлардаги шахсий аккаунтидан тамоман воз кечганини қайд этган. Ёдингизда бўлса, бундан аввалроқ мутахассислар томонидан ижтимоий тармоқлар инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи восита сифатида баҳоланган эди. Бу қараш орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, йўққа чиқди. Ахир, дунёда ҳеч нарса абадий эмас, деганлари шу бўлса керак-да.

Ҳаво устидаги тушлик

ЕВРОПАНИНГ БИР ҚАТОР МАМЛАКАТЛАРИДА «DINNER IN THE SKY» ДЭБ НОМЛАНГАН АНТИКА РЕСТОРАНЛАР КҮН САЙИН КЎПАЙИБ БОРАЁТИР.



Ердан 50 метр баландда жойлашган бу каби тамадхоналар бир қарашда Нўҳ кемасига ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, у белгиланган баландликдан юқорилаб кетмайди. Унинг хўрандалари мовий осмон манзарасидан баҳра олиш билан бирга, мазали таомлар тановул қилишлари мумкин. Сехрли музика садолари-ю, ошпазларнинг шундоқ ёнингизда овқат пишириши романтика шайдоларига завқ бағишловчи шубҳасиз. Қолаверса, хўрандалар хавфсизлиги ҳам эътибордан четда қолмаган. Махсус ўриндиқлар мустаҳкам химоя қалқонларига эга. Осма ресторан тўрт нафар хизмат кўрсатувчи ходим ва 22 нафар хўранда учун мўлжалланган. Оғирлиги 7 тонна келадиган қурилма-ресторан платформа орқали бошқарилади. Платформа маълум вақт ичида осма тамадхонанинг пастга туширади ва юқорига чиқариб қўяди. Айни пайтда бундай антика ресторанлар Амстердам, Париж, Мадрид, Будапешт, Брюссель каби йирик шаҳарларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Дарвоқе, ушбу ресторанларда нафақат овқатланиш, балки Европанинг бир неча шаҳарларини юқоридан туриб томоша қилиш ҳам мумкин.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар ҳокимияти йўловчи транспортларининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан 2013 йил 14 июнда Нина Ваюкинага берилган О'ЗР № 001464 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Газета ҳафтанинг чоршанба кун чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буортма — Г 627, Адади — 11199. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. **Набатчи муҳаррир:** Камолитдин ХОТАМОВ **Набатчи:** Умида УЗОҚОВА **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 23.30. **ISSN 2010-7714**

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувоп НАЖИДИНОВ, Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ, Фағрулжон МУҲАММЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ **Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмаил ХУДОЕРОВ **ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор қўча, 2-уй Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди **ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47 Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41. **Ҳажми** 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй